

O'zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Bog'ot tumanı
**НОКИМИ
КАРОРИ**



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
**ҲОКИМИ
ҚАРОРИ**

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2019 йил «6» мес

№ 48046

Боғот шаҳарчаси

Нусха № _____

Мархум Ибраҳимов Бахтиёр
Жумабоевичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик хукуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани Миришкор қишлоғи Маънавият маҳалласида яшовчи фуқаро Отажанова Гулора Мавлоновнанинг мархум турмуш ўртоғи Ибраҳимов Бахтиёр Жумабоевичнинг Миришкор қишлоғи Маънавият маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик хукуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2019 йил 3 июлдаги ХО-О-3033-сонли аризасини, Маънавият маҳалласи фуқаролар йиғини ва туман давлат солик инспекциясининг маълумотномаларини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2019 йил 17 июндаги 5670-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Боғот туман маъмурий судининг 2019 йил 15 мартағи ҳал қилув қарорига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот туман маъмурий судининг 2019 йил 15 мартағи ҳал қилув қарори ҳамда Хоразм вилоят маъмурий суди, кассация инстанция судининг 2019 йил 26 апрелдаги қарорлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Боғот тумани Миришкор қишлоғи Маънавият маҳалласида жойлашган турар жой биносининг умумий 1300,0 квадрат метр ер майдони мархум Ибраҳимов Бахтиёр Жумабоевичга мерос қилиб қолдириш ва умрбод эгалик қилиш хукуқи асосида белгилаб берилсин.


3. Боғот туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи (Ф.Курбонов)га, Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиали бошлиғи (Б.Тўраев)га мархум Ибраҳимов

Бахтиёр Жумабоевичнинг турар жой биноси жойлашган 1300,0 квадрат метр ер
хайдони чегараларини аниқлаб тегишли ҳужжатларни юклатилсин.

4. Мархум Ибраҳимов Бахтиёр Жумабоевичнинг меросхўрларига ушбу
қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат
рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг
ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими



О.Холбоев